Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирининг
2023 йил “23”6-сентябрдаги
222 - сон буйруғига 3- илова

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

БАЛИҚЧИ АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ
ЖАМОАТ САЛОМАТЛИГИ ТЕХНИКУМИ

УСТАВИ

БАЛИҚЧИ ТУМАНИ

БАЛИҚЧИ АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ ЖАМОАТ САЛОМАТЛИГИ ТЕХНИКУМИНИНГ
УСТАВИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Устав Балиқчи Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникумининг (кейинги ўринларда-техникум) мақоми, асосий мақсад ва вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Техникум - Халқаро таснифлагичнинг 5-даражасига мос келувчи таълим дастурлари асосида олий таълим тизими билан интеграциялашган ўрта махсус профессионал таълим босқичида кадрлар тайёрлайдиган, олий таълим муассасалари хузурида фаолият юритадиган таълим муассасалари ҳисобланади.

3. Техникум ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг таълим-тарбия соҳасидаги Фармонлари, қарорлари ва фармойишлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги буйруқлари бошқа қонун ҳужжатлари ва мазкур Устав асосида амалга оширади.

4. Техникум Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги ташкилий тўзилма ҳисобланиб, махаллий ва хорижий грантлар, таълим хизматларини кўрсатиш, ишлаб чиқариш ва бошқа фаолият турларидан олинган даромадлар, юридик ва жисмоний шаҳсларнинг хомийлик маблағлари, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбаалар маблағлари асосида фаолияти молиялаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги техникум ўқувчиларини касбий таълим жараёнида амалий кўникмаларини шакллантиришда, меҳнат бозорида Халқаро таснифлагичнинг 5-даражасига мос келувчи мутахассисларга бўлган эҳтиёжни аниқлашда, битирувчиларни иш билан таъминлашда кўмаклашади.

Андижон давлат тиббиёт институти техникумнинг идоравий бўйсинувидан қатъий назар, таълим жараёнига ўқув-методик кўмаклашади.

5. Техникум юридик шаҳс ҳисобланиб, ўзининг мустақил балансига, алоҳида мол-мулкига, Ўзбекистон Республикаси Давлат Герби тасвири туширилган ва номи давлат тилида ёзилган муҳрига, штампига, давлат намунасидаги бланкаларига, Молия вазирлигининг Fазначилигида ва унинг худудий бўлимларида шаҳсий ҳисоб рақамларига, шу жумладан, хорижий

валюта ва бошқа ҳисобларга, реквизитларга эга бўлиб, ўз номидан шартномалар тузадиган, мулкий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларни амалга оширадиган, юклатилган мажбуриятларни бажарадиган ҳамда суд, арбитраж органларида даъвогар ва жавобгар бўладиган таълим муассасаси ҳисобланади.

6. Техникумнинг расмий номланиши:

а) давлат тилида:

тўлиқ номи: “Балиқчи Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникуми**”, қисқартирилган номи — “БЖСТ” ;**

б) инглиз тилида:

тўлиқ номи: **“Balikchi public health technicum named after Abu Ali Ibn Sino”**, қисқартирилган номи - **“BPHT”**;

в) рус тилида:

тўлиқ номи: **“ Балыкчинский техникум общественного здоровья имени Абу Али ибн Сина”**, қисқартирилган номи - **“БТОЗ”**.

7. Техникумнинг жойлашган жойи (почта манзили): Андижон вилояти Балиқчи тумани, Сирмоқ МФЙ, Еттиқашқа кўчаси 92-уй.

2-боб. Техникумнинг мақсад ва вазифалари

8. Техникумнинг асосий мақсади:

Кадрлар тайёрлаш Халқаро таснифлагичнинг камида 3 ёки 4-даражасига мос таълим дастурларини тамомлаган, умумий ўрта маълумотга эга бўлган шаҳслар ҳисобидан, хаёт давомида таълим олиш принципи асосида шакллантирилган гуруҳларда касблар ва мутахассисликларнинг муракаблигидан келиб чиққан холда 2 йилдан кам бўлмаган муддатда кундузги таълим шаклида давлат буюртмаси ҳамда тўлов-контракт асосида кадрлар тайёрлаш;

Кадрлар буюртмаси асосида профессионал касбий малакага эга бўлган кадрлар тайёрлаш:

Халқаро таснифлагичнинг 5-даражасига мос келувчи таълим дастурлари асосида олий таълим тизими билан интеграциялашган ўрта маҳсус профессионал таълим босқичида кадрлар тайёрлаш;

ўқувчиларни танлаган мутахассислиги бўйича замонавий талабларга жавоб берувчи, пухта билим, амалий кўникма ва малакага ҳамда юксак маънавий-ахлоқий сифатларга эга бўлган, интеллектуал жиҳатдан етук кадрлар этиб тайёрлашдан иборат.

9. Қуйидагилар техникумнинг асосий вазифалари хисобланади:

иқтисодиёт соҳа ва тармоқларида талаб юқори бўлган тор доирадаги ва соҳавий мутахассисликлар бўйича тизимли фикрлаш, иш юритиш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш кўникмаларига эга ҳамда хорижий тилларни биладиган мутахассислар тайёрлаш;

эгаллаган касб ва мутахассислик бўйича меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган, юқори даражада сифатли билим олишини

ва касбий тайёргарлигини таъминлайдиган таълим стандартлари доирасида танланган мутахассислиги бўйича ўқитиш;

танлаб олинган мутахассислик бўйича бир ёки бир неча ихтисосликни эгаллаш жараёнида ўқувчиларнинг касбий лаёқат, кўникма ва малакаларини ошириш;

мутахассисларни тайёрлаш тизими ва мазмунини жамият эхтиёжларидан, фан, маданият ва замонавий инновацион техника ютуқларидан келиб чиққан холда такомиллаштириш;

ўқувчиларда ватанпарварлик, миллий ўзликни англаш, халқнинг миллий, маданий, тарихий анъаналарига хурмат, Ватан билан ғурурланиш ва ифтихор туйғусини шакллантириш;

ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг самарали шакллари ва усулларидан фойдаланган холда камол топтириш;

таълим стандартлари талабларига кўра ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган малака ва кўникмаларни ўқувчилар онгига сингдириш;

ўқитувчи, таълим олувчиларнинг соғлигини мухофаза қилиш, соғлом турмуш тарзини жорий этиш, уларнинг билим олиши, турмуши ва дам олиши учун етарли шарт-шароитларни яратиш;

таълим жараёни учун зарур моддий-техника, ўқув-услубий базани яратиш ва ўқув жараёнига юқори иш тажрибасига эга бўлган амалиётчи мутахассисларни жалб этиб бориш.

3-боб. Техникумнинг хуқуқ ва мажбуриятлари

10. Техникумнинг хуқуқлари:

Ўзбекистон Республикаси худудида ўз номидан юридик ва жисмоний шахслар билан ваколати доирасида шартномалар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар тузиш;

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан тасдиқланмаган ва мазкур Уставга зид бўлмаган фаолиятларни амалга ошириш;

таълим-тарбия сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида ўқитувчилар ўртасида соғлом рақобат мухитини шакллантириш мақсадида танловлар ташкил этиш;

Республика иқтисодиёти, хўжалик ва хизмат кўрсатиш сохасида мутахассисларга бўлган талаб ва реал эхтиёжлар асосида белгиланган тартибда тегишли мутахассислар тайёрловчи қўшимча йўналишлар, шартнома асосида касбга тайёрловчи қисқа муддатли ўқув курслари очиш;

техникум ўқувчисининг касбий ва тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантириш, бюджетдан ташқари маблағ ишлаб топиш мақсадида аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш бўйича турли соҳалар билан боғлиқ ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланиш;

тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалардан тушган маблағларни

техникумнинг моддий-техник базасини ривожлантиришга ва таълим-тарбия жараёнини замонавий ўқув-техник воситалари, мебеллар билан таъминлашга, техникум ходимларини ижтимоий ҳимоялашга ва уларнинг фаолият самарадорлигини оширишни рағбатлантиришга сарфлаш хуқуқига эга.

Техникум қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

11. Техникум мажбуриятлари:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг таълим-тарбия соҳасидаги Фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ва бошқа ваколатли давлат органларининг меъёрий ҳужжатларида белгиланган вазифаларни бажариш;

техникумнинг моддий-техник базасини ривожлантириш, бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш ҳамда маблағ билан таъминлашнинг муқобил манбаларини, шу жумладан, ташкилотлар, хомийлар маблағларини, хорижий инвестицияларни жалб этиш;

таълим стандартлари, ўқув режа ва фан дастурлари асосида юқори сифатли ўрта махсус профессионал таълимини бериш;

техникум Ахборот кутубхона фондини умумий ўқувчилар сонини ҳисобга олган холда замонавий талабга жавоб берадиган дарсликлар ва ўқув-услубий адабиётлар (шу жумладан, бадиий адабиётлар) мажмуи билан етарли даражада мунтазам равишда тўлдириб боришни таъминлаш ҳамда ўқув жараёнига замонавий педагогик ва ахборот коммуникацион технологияларини жорий этиш;

техникум ўқитувчилари малакасини ошириш, тажриба алмашинувини ташкил этиш ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш;

таълим жараёни қатнашчиларини ижтимоий ҳимоя қилиш;

педагогик фаолиятнинг сифати, ижтимоий мақоми, нуфузи ва обрў-эътиборини ошириш борасида фаолият кўрсатиш;

меҳнат муҳофазаси талабларига жавоб берадиган таълим-тарбия ва меҳнат шароитларини яратиш.

техникум қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам олиши мумкин.

4-боб. Таълим олувчилар

12. Техникумга ўқишга қабул қилинган фуқаро мазкур таълим муассасаси ўқувчиси ҳисобланади.

13. Ўқишда эришган ютуқлари, ўқув-ишлаб чиқариш, ижодий фаолият

ва техникумнинг бошқа ишларида фаол қатнашган ўқувчиларга моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг турли хил шакллари қўлланилади.

14. Балиқчи Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникуми ўқувчилари куйидаги хуқуқларга эга:

профессионал таълим муассасаси фаолиятига доир масалаларни муҳокама ва ҳал этишда бевосита ёки билвосита (маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат ташкилотлари орқали) иштирок этиш;

белгиланган тартибда профессионал таълим муассасаси маъмуриятининг буйруқлари устидан шикоят қилиш;

таълим дастурлари бўйича таълимни давом эттиришини тўхтатиш бўйича профессионал таълим муассасаси рахбариятига мурожаат қилиш;

ахборот кутубхоналардан, профессионал таълим муассасасининг ўқув, ижтимоий, даволаш ва бошқа бўлинмалари хизматларидан таълим муассасаси уставида белгиланган тартибда бепул фойдаланиш;

касбий компетенцияларни ривожлантиришга қаратилган турли кўрик-танловларда белгиланган тартибда иштирок этиш;

иш берувчилар томонидан тавсия қилинган иш жойларида ишлаш бўйича мурожаат қилиш;

олий таълим муассасасининг тегишли йўналишларида таълимни давом эттириш;

таълим олишда ўрта маҳсус профессионал таълим дастурида ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган ҳуқуқлардан фойдаланиш.

Техникум ўқувчилари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

15. Ўқувчилар қуйидаги мажбуриятларга эга:

Таълим стандартида белгиланган талабларни ўқувчилар белгиланган муддатларда бажариши ҳамда билим ва кўникмаларни эгаллаш;

узрсиз сабабларга кўра дарс машғулотларини қолдирмаслик;

мазкур Устав, техникумнинг ички тартиб қоидалари, Одоб-аҳлоқ қоидаларига ҳамда ўқув интизомига риоя қилиш;

техникум бинолари ва унинг мол-мулкини асраб-авайлаш;

тўлов-контракт бўйича мажбуриятларини ўз вақтида бажариш;

ўқувчиларга қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

5-боб. Ўқув тарбиявий ва илмий-услубий иш

16. Техникумда идоравий бўйсинувидан қатъий назар ўқув методик раҳбарлик қилиш ҳамда бу соҳада давлат сиёсатини юритиш Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан амалга оширилади.

17. Техникумда:

таълим бериш камида 2 йил муддатда кундузги таълим шаклида давлат буюртмаси ҳамда тўлов-контракт асосида амалга оширилади;

кундузги таълим шаклида ўқиш муддати бир ўқув йилида 2 семестрга бўлинади, ҳар ўқув йилида камида 10 хафтадан кўпи билан 12 хафтагача давомийликда таътиллар белгиланади;

ўқувчилар ўқитиш курслари бўйича гуруҳларга, ўқитиш йўналиши бўйича эса бўлимларга бирлаштирилади;

гуруҳларда ўқувчилар сони Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган меъёрлар асосида шакллантирилади;

ўқув йилининг бошланиши, тугалланиши, хафталик юклама, таътилларнинг муддати, давомийлиги, шунингдек, ўқув-тарбия жараёни якунларини белгилаш шакллари, амалиёт турлари ва якуний давлат аттестациясини ўтказиш тартиби ҳамда таълим жараёнига тегишли бошқа талаблар конунчиликда белгиланган тартибда тасдиқланган ўқув режалари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида белгиланади;

техникумда барча турдаги ўқув машғулотлари давомийлиги тегишли меъёрий ҳужжатлар билан белгиланади;

техникумда ўқитиш курси тугагандан кейин назоратларнинг якуний натижалари асосида ўқувчини навбатдаги курсга ўтказиш, курсда қолдириш, ўқишдан четлаштириш тўғрисида қарор қабул килинади. Ўқувчиларни курсдан-курсга ўтказиш, ўқишдан четлаштириш курсда қолдириш илмий педагогик кенгашининг қарори ва техникум директорининг буйруғи билан расмийлаштирилади;

курсдан-курсга шартли равишда ўтказишларга йул куйилмайди;

ўқувчиларни техникумда ўқитиш таълимнинг фан ва ишлаб чиқариш билан ўзаро ҳамкорлиги асосида куйидагича амалга оширилади;

техникум ўқувчиларининг муассаса ва ташкилотларда тизимли асосда ишлаб чиқариш ва малакавий амалиёт ўташи учун шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, иш берувчиларни ўқув жараёнига фойдаланиладиган ўқув-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш жалб этиш;

бевосита ишлаб чиқаришни модернизациялаш жараёнларида иштирок этишга қодир бўлган кадрларни тайёрлаш мақсадида ўқув жараёнига инновацион ғоялар, технологиялар ва ишланмаларни қўллаб, техникум ҳамда муассаса ва ташкилотларнинг ўзаро яқин ҳамкорлигини таъминлаш;

ўқувчиларнинг ўқув, ишлаб чиқариш ва диплом олди амалиёти белгиланган меъёрий ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади;

ўқув режа ва фан дастурларининг барча талабларини бажарган ўқувчи техникум илмий педагогик кенгашининг қарори ва директорнинг буйруғи билан Якуний давлат аттестацияси имтихонларига қўйилади. Якуний давлат аттестацияси белгиланган меъёрий ҳужжатларига мувофиқ тартибга солинади;

Якуний давлат аттестацияси комиссияси қарори билан таълим олган мутахассислиги (касби) ва эгаллаган малакаси (малакалари) кўрсатилган

холда давлат намунасидаги диплом берилади;

Дипломга ўзлаштирилган фанлар рўйхати, ўтилган соатлар ҳажми, уларни ўзлаштириш даражаси (баҳолар) ва Якуний давлат аттестацияси натижалари кўрсатилган қўшимча варақ илова қилинади.

Техникумни тамомлаганлик тўғрисидаги диплом эгалланган билимларни меҳнат фаолиятида амалга ошириш ҳуқуқини беради;

ўрта маҳсус таълим дастурларини мувоффақиятли тамомлаган битирувчилар ўз соҳасига мос бакалавриат таълим йўналишлари бўйича кириш имтихонларисиз якка тартибдаги суҳбат орқали олий таълим муассасаларида 2-курсдан ўқишни давом эттириш ҳуқуқига эга бўлади;

ўқув-услубий, илмий-услубий ва тажриба ишларини амалга ошириш мақсадида техникум фан кафедраларини ташкил қилади;

ўқув жараёни шакли илмий асосланган инновацион восита ва ўқитиш услубларини танлаш асосида ташкил этилади;

ўқув жараёнига йўналишлар бўйича олим ва мутахассислар жалб қилинади;

техникумда ўқитувчиларнинг ўқув-услубий ва илмий ижод қилишлари учун шароит яратилади ва рағбатлантирилади.

18. Техникумда маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар умумбашарий қадриятларга ва миллий анъаналарга асосланади:

техникумда ватанпарварлик ва миллий мустақиллик ғояларига садоқатли ҳамда жамият тараққиётига хисса қўшишга қодир шахсни тарбиялаш ўқув жараёни билан узвий равишда оила, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Маънавият ва маърифат маркази ва бошқа жамоат ташкилотлари иштирокида амалга оширилади;

ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда халқнинг бой миллий-маданий, тарихий анъаналарига, урф-одатларига асосланган тарбиявий ишларнинг турли шаклларини оммалаштириш мақсадида техникумнинг вебсайти ва ижтимоий сахифаларини яратиш йўлга қўйилади;

ўқувчиларнинг ўз интеллектуал даражасини оширишлари учун бадиий адабиётларни ўқишга қизиқтириш, китоб мутоаласи ва китобхонлик маданиятини оширишга доир тарғибот ишларини олиб бориш янги адабий китобларнинг тақдимотини уюштириш ва тарғиб қилиш орқали амалга оширилади;

техникум ўқувчиларида мулоқот маданиятининг замонавий шаклларини яратиш мақсадида тегишли мутахассисларни жалб қилган холда бахс-мунозаралар ва давра сухбатлари уюштирилади;

чет тиллардаги бадиий адабиётлар, илмий материалларни ўрганиш ва таълим-тарбияга тадбиқ этиш мақсадида видеороликлар, буклетлар, флайерлар тайёрлаш йўлга кўйилади;

ёш авлодни маънавий-аҳлокий, миллий ғояларга садоқат ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, мустақил дунёқарашга ва фикрлашга эга

бўлган маънавий бой ва ҳар томонлама камол топган шахсни шакллантиришда миллий-маданий, тарихий анъаналарига, урф-одатлари ҳамда умумбашарий қадриятларига асосланган тарбиявий ишларнинг турли хил шакллари қўлланилади;

ўқувчиларда таълим муассасаси ва танлаган касбни эгаллаш бўйича берилган имкониятларидан ғурурланиш ҳиссини оширишга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқилади;

ўқув йилининг биринчи куни вазирлик, хокимият, худудий бошқарма, олий таълим муассасаси ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида ўқувчиларнинг тантанали сафланиши, Ўзбекистон Республикаси байроғини олиб чиқиш, Давлат мадҳиясини ижро этиш билан бошланади ва белгиланган тадбир асосида давом эттирилади;

биринчи машғулот Ўзбекистон Республикасининг миллий мустақиллик ғояларига бағишланади.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг худудий бошқармаси раҳбарияти ва Ўзбекистон ёшлар иттифоки билан биргаликда ўқувчилар ҳамда уларнинг ота-оналари иштирокида ёшларга оид муҳим масалаларни муҳокама этиш учун мунтазам равишда учрашувлар ўтказиб боради.

6-боб. Таълим муассасасини бошқариш

19. Техникумни бошқариш директор томонидан амалга оширилади.

техникум директори Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Техникум директори:

техникум фаолиятига раҳбарликни амалга оширади ва техникумга юкланган вазифалар бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

ўринбосарлар ваколатларини белгилайди, улар ўртасида вазифаларни тақсимлайди, техникумнинг таркибий бўлинма раҳбарлари ваколатларини, уларнинг фаолияти учун жавобгарлигини белгилайди;

техникум фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги буйруқлари ва кўрсатмалари амалга оширилишини ташкил этади;

қонун ҳужжатларига асосан техникум номидан иш олиб боради, барча ташкилотларда унинг вакили сифатида қатнашади, шартномалар тузади, ишончномалар беради;

техникум таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди;

техникум ўқитувчи ва ходимлари билан меҳнат шартномаларини тузади ва бекор қилади;

техникум таркибий бўлинмалари раҳбарларини лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади;

техникум педагогик ходимлари ва ўқувчилари учун бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

техникумнинг ташкилий ва молиявий фаолияти масалаларини ҳалқилади;

техникумнинг мол-мулкига эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш бўйича белгиланган тартибда қарорлар қабул қилади;

техникумнинг штат жадваллари ва ҳаражатлар сметасини тасдиқлайди;

техникум ўқитувчи ва бошқа ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал этади, ўрнак кўрсатган техникум ходимларига унвонлар бериш ва давлат мукофотлари билан тақдирлаш тўғрисида таклифлар киритади.

Техникум директори қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларга ҳам эга бўлиш мумкин.

7-боб. Таълим муассасасининг тузилиши

20. Техникум штатлари жадвали амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилади, тасдиқланади ҳамда рўйҳатдан ўтказилади.

21. Техникумда Илмий педагогик кенгаш, методик кенгаш, ота-оналар кенгаши, Жамоатчилик кенгаши тузилади ва фаолият юритади.

22. Техникум фаолиятининг асосий масалаларини кўриб чиқиш учун техникум илмий педагогик кенгаши (бундан буён матнда Кенгаш деб юритилади) ташкил этилади. Кенгаш тўғрисидаги низом ва унинг иш режаси Кенгаш йиғилишида тасдиқланади.

Кенгаш таркиби директор томонидан тасдиқланади. Кенгаш таркибига олий таълим муассасасининг таркибий бўлинма раҳбарлари, директор ўринбосарлари, котиб, таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва юқори малакали ўқитувчилар, ишлаб чиқариш таълим усталари ҳамда бириктирилган олий таълим муассасаси вакиллари киради.

Кенгаш қарорларининг ижроси директор ва унинг ўринбосарлари томонидан таъминланади.

23. Кенгашнинг ваколатларига қуйидагилар киради:

техникум фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги буйруклари, худудий бошқарманинг кўрсатмалари ва топшириқлари ижроси таъминланишини ташкил қилиш;

техникумнинг йиллик иш режаси ва бошқа режаларни тасдиқлаш;

бюджетдан ташқари маблағлар сарф-ҳаражати ҳисоботларини кўриб чиқиш;

техникум педагогик жамоасининг фаолиятини ўқувчиларнинг эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакаларини таъминлашга, ўқувчиларга таълим бериш сифатини оширишга йўналтириш;

Андижон давлат тиббиёт институти билан ҳамкорликда ўқув-услубий жараённи ташкил этиш, моддий-техник базадан унумли фойдаланиш масалаларини кўриб чиқиш;

техникум ўқувчиларнинг йўналишлар бўйича ахборотлари ва ҳисоботларини эшитиш, таълим муассасасининг санитария-гигиеник холати, ёнғинга қарши амалга ошириладиган ишлар, меҳнатни мухофаза қилиш, ўқувчиларнинг соғлиги ва хаётига оид ҳамда бошқа масалаларни мухокама қилиш ва қарор қабул қилиш;

техникум гуруҳ мураббийлари фаолияти тўғрисидаги ахборотларни тинглаш;

қабул комиссиясининг техникум ўқувчиларни қабул қилиш юзасидан ҳисоботини эшитиш;

ўқувчиларга таълим беришда ўқитишнинг илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни тадбиқ этиш чораларини кўриш;

ўқувчиларни юксак маънавий-ахлокий, умуминсоний ва миллий руҳда, ўз Ватани, халқини ардоқловчи, тинчлик ва барқарорликка қаратилган миллий қадриятлар асосида тарбиялаш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

техникумда ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш ва таълим самарадорлигини ошириш бўйича зарур шарт-шароитлар яратишга қаратилган қарорлар қабул қилиш;

ўқувчиларни курсдан курсга ўтказиш, курсда қолдириш, четлаштириш, ўқишга тиклаш, битирувчиларга ўқишни тамомлаганлик тўғрисидаги дипломлар, шу жумладан уларнинг дубликатини бериш масалаларини кўриб чиқиш;

юқори малакали педагогларнинг иш тажрибаларини ўрганиш ва оммалаштириш, уларни давлат мукофотларига тавсия этиш, ёш педагог ўқитувчиларга методик ёрдам кўрсатиш ишларини ташкил этиш;

ўз ваколати доирасида локал ҳужжатларни тасдиқлаш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш;

чин етим, етим, кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож ўқувчиларни ҳар томонлама ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларини кўриб чиқиш;

директор ўринбосарлари, таркибий бўлинма раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш.

Кенгаш техникум фаолиятига тааллуқли бўлган бошқа муҳим

масалаларни ҳам кўриб чиқиш ҳуқуқига эга.

24. Техникум таркибида касаба уюшма, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи, мураббийлар кенгаши ва таълим-тарбия жараёнига дахлдор бўлган бошқа жамоат тузилмалари ташкил этилади.

25. Техникумда фан кафедралари ташкил этилади. Ташкил этилган кафедралар улар фаолияти тўғрисидаги низомлар билан тартибга солинади.

26. Техникумнинг ўқитувчилари ва Андижон далват тиббиёт институти кафедраларининг профессор-ўқитувчилари билан ҳамкорликда таълим сифатини ошириш борасида ҳамкорлик йўлга қўйилади.

27. Техникум директори таълим муассасасидаги ўқув-тарбия ва илмий-методик ишлар самарадорлиги бўйича Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги кенгашида ҳисобот беради.

8-боб. Педагог ходимлар, ўқув-тарбиявий ходимлар

28. Техникумда педагог ходимлар, бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимлар фаолият юритади.

29. Педагог ходимлар таркибига олий маълумотли, катта, етакчи ва бош ўқитувчи лавозимлари киради.

30. Белгиланган талабларга мувофиқ тегишли олий маълумотга, касб тайёргарлиги ва замонавий талабларга жавоб берадиган, юксак малака, профессионал тайёргарлик ва маънавий-ахлокий фазилатларга эга бўлган шахслар техникумда педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга.

Суд қарори билан профессионал таълими муассасаларида ишлаши таъқиқланган шахсларнинг техникумга фаолият олиб боришига йўл қўйилмайди.

31.Техникумга ходимларни ишга қабул қилиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, махаллий давлат хокимияти органлари, вазирлик, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг мутахассислари ўриндошлик асосида ёки қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда соатбай иш хақи тўлаш шартлари асосида педагогик фаолиятга жалб этилиши мумкин.

32. Педагог, бошқарув, техник хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари техникумнинг ички тартиб-қоидалари, одоб-ахлоқ қоидалари ва лавозим йўрикномаларида белгиланади.

33. Техникумнинг ўқитувчи ва бошқа ходимлар таркибини даврий аттестациядан ўтказиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади.

34. Техникум директори ўринбосарлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган ҳолда техникум директори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

9-боб. Жамоат ташкилотлари

35. Техникумда ўқувчи, педагог ходим, маъмурий ва ёрдамчи ходимларни бирлаштирувчи жамоат ташкилотлари фаолият кўрсатади. Жамоат ташкилотларининг фаолияти амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

36. Техникум ўқувчиларининг Ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилоти ўзини-ўзи бошқарадиган нодавлат, нотижорат ташкилот бўлиб, ёшларни ихтиёрий равишда бирлаштиради ҳамда ошкоралик ва адолат тамойиллари асосида иш юритади.

37. Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва тегишли қонун ҳужжатлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти Низоми асосида фаолият кўрсатади.

38. Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилотининг мақсад-вазифалари техникум ёшларини бирлаштириш, соғлом турмуш тарзи асосида тарбиялаш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашга кўмаклашиш, уларнинг манфаатларини ҳар томонлама химоя қилишдан иборатдир.

39. “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Конунда белгиланган тартибда руйхатдан утказилган касаба уюшма кўмитаси техникум ходимлари ва ўқувчиларининг кўнгилли жамоат бирлашмаси сифатида эътироф этилади.

40. Касаба уюшма кўмитаси Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги Қонунига ва бошқа тегишли норматив ҳужжатларга мувофиқ иш кўради.

10-боб. **Техникумнинг м**ол-мулки ва маблағлари

41. Техникум ўзининг молия-хўжалик фаолиятини бюджетдан ташқари маблағлар доирасида амалга оширади. Техникум фаолиятини молиялаштириш қуйидаги манбаалар ва маблағлар орқали амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари;

ўқувчиларни давлат буюртмаси ва тўлов-шартнома асосида ўқитишдан тушган маблағлар;

қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбаалар ҳисобидан амалга оширилади.

42. Техникумнинг молиявий маблағи унинг тўлиқ ихтиёрида бўлиб, қонун билан белгиланган тартибда таълим муассасасининг эхтиёжини қондиришга ишлатилади.

43. Бино, хоналар меҳнатни мухофаза қилиш, санитария- гигиена

меъёрларига ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига мувофиқ жиҳозланади ва фойдаланилади.

44. Техникум ўз фаолияти натижаларининг бухгалтерия ҳисобини белгиланган тартибда амалга оширади, молия ва статистика ҳисоботларини юритади ҳамда тегишли органларга тақдим этади.

45. Техникумнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш қонун ҳужжатларига мувофиқ ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

11-боб. Қайта ташкил этиш ва тугатиш

46. Техникумни қайта ташкил этиш ёки тугатиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.